

ЛИСОНИЙ САТҲЛАР ВА УЛАРДА БИРЛИКЛАР МАСАЛАСИ

Хайруллаев Х.З.¹, Ибрагимова М.А.²

Аннотация:

Фонема, морфема, сўз, гап, мураккаб синтактик қурилма ва абзац кабиларнинг лисоний бирлик сифатидаги ўрганилиши тилшуносликда муҳим аҳамиятга эга. Бунга тилшуносликнинг XX асрдаги тараққиётида, айниқса, эътибор қучайди. Бу борада тилшунослик фани тараққиётининг турли даврларида турлича фикрлар, қарашлар шаклланган бўлиб, мазкур фикр мулоҳазалар фанимиз тарқққиётининг бугуни ва эртанги тараққиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда тил ва компьютер технологиялари узвийлиги масаласи долзарб бўлиб турганидан келиб чиқилса, масала моҳиятининг дастурий таъминот яратиш учун зарурат ҳисобланган лингвистик таъминот учун нутқ бирликларини қатъий белгилаш масаласи долзарб экани изоҳ талаб қилмайди. Мақолада нутқ ва унинг бирликлари иерархияси масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Фонема, морфема, сўз, гап, мураккаб синтактик қурилма, абзац, сегмент, тил бирлиги, нутқ бирлиги, функционал фаоллик, тил сатҳи, нутқ сатҳи.

Тил сатҳлари бирликларини уларнинг система доирасида мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ. Мазкур мулоҳаза, айниқса, фонематик, морфематик ҳамда сўз сатҳлари билан узвий боғлиқ. Синтактик сатҳнинг эса йўриғи бошқа. Аллофона, алломорфа тушунчаларидан ана шу сатҳ компонентлари таҳлилида фойдаланиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Чунки тил бирликларининг нутқий манифестацияси мазкур сатҳ доирасида кузатилади. Бундан ташқари, аллофона ёки фон, алломорфа ёки морф тушунчаларини қўллаш тил сатҳлари лингвистик моҳиятини ўзгартириб юборолмайди ҳам.

Т.В.Булигина ва Г.А.Климовларнинг қуйида номи кўрсатилган тадқиқотида изоҳланишича, тил сатҳлари иерархик қонуниятга бўйсунувчи тил системаси ичидаги системаларни ташкил этади ва мазкур сатҳларнинг ҳар бири иккинчиси билан муайян қонуниятлар доирасида боғланган бўлади. Бу тадқиқотда тил сатҳлари ҳақидаги ғоянинг истёмолга киритилишида даниялик тилшунос Л.Ельмслевнинг ҳамда америка дескриптивизми намояндаларидан Дж.Трейгер, К.Пайк, Ч.Хоккет, З.Харрис кабиларнинг тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этганлиги эслатиб ўтилади.

Т.В.Булигина ва Г.Климовларнинг мазкур тадқиқоти 1972 йилда Москвада чоп этилган «Умумий тилшунослик» асарининг «Тил структурасининг сатҳлари» деб номланган иккинчи бобини ташкил этиб, унда тил сатҳлари, асосан, морфема, сўз ва гапдан иборат эканлиги қайд этилади. Аниқроғи, муаллифлар, асосан, ана шу сатҳлар ҳақида маълумот берадилар ва уларнинг ҳар бирига автономлик белгиси хос эканлигини ва ҳар бир автоном система унсурларининг шу сатҳ ичида кичик қисмларга бўлинмаслигини таъкидлайдилар [Булигина Т.В., Климов Г.А.: 92-109].

Шу нарса характерлики, мазкур ишда сўз бирикмалари, сўз ясалиши, фразеологик иборалар тилнинг алоҳида сатҳлари сифатида тан олинмайди. Бу мулоҳаза билан қўшилиш мумкин. Чунки сўз бирикмалари компонентлари гап доирасида алоҳида синтактик вазифа бажариб, мустақил фаоллик кўрсата бошлайди. Сўз ясалиши, гарчи у бугунги кунда мустақил соҳа саналса-да, сатҳ даражасида эмаслиги шунингдек, фразеологиянинг ҳам сатҳ бўлолмаслиги уларнинг ўз бирликларига эга эмаслиги билан боғлиқдир. Ясама сўзлар ҳам тил бирлиги – сўз ҳисобланади ва шу боис уларни тилнинг сўз сатҳига киритиш мумкин. Фразема эса тургун бирикма ёхуд гап шаклида келади.

¹ Хайруллаев Хуршидjon Зайниевич, филология фанлари доктори, профессор. СамДЧТИ Ўзбек тили, журналистика ва компьютер лингвистикаси кафедраси мудири

² Ибрагимова Муқаддас Абдуллаевна, СамДЧТИ Ўзбек тили, журналистика ва компьютер лингвистикаси кафедраси ўқитувчиси

Шунинг учун баъзи тилшунослар уни оралик сатҳ (промежуточный ярус) деб қарайдилар [Кодухов В.И.: 147]. Бироқ Т.В.Булигина ва Г.Климовларнинг фонематик сатҳ хусусида мулоҳаза билдирмаганлиги эътирозлидир. Зотан, фонеманинг тил белгиси эмаслиги фонематик сатҳни эътибордан соқит қилиш учун сабаб бўла олмайди.

Француз тилшуноси Э.Бенвенист тил сатҳи тушунчасини тил системаси белгиларининг органик тизими сифатида талқин этади ва бунда тил унсурларининг муносабатини сегментация ҳамда субституция усуллари асосида ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Сегментация усули воситасида матнни бўлинмайдиган унсурлар қолмагунча қисмларга парчалаш кўзда тутилади. Мазкур қисмлар сегментация натижасида шу даражага етадики, охириги босқичда бўлинмайдиган фонемалар қолади. Бироқ шундан сўнг ҳам сегментлаш давом эттириладиган бўлса, аввал эслатиб ўтганимиз каби, фонемаларнинг ички бўлинишига мурожаат этиб, уларнинг турли хил сифатларини (лабланганлик, лабланмаганлик, фрикативлик) ёритишга тўғри келади. Субституция усули эса тил бирликларининг ўринларини алмаштиришни назарда тутди. Масалан: бармоқ – кармоқ, дор – тор, нон – кон ва ҳ.к. Бу орқали ҳар бир тил унсурини у қўлланиши мумкин бўлган турлича дистрибутив ҳолатлар орқали ўрганиш кўзда тутилади. Мазкур усул тил бирликларининг синтагматик қаторда ўзаро муносабатга киришуви ҳамда уларни алмаштира оладиган парадигматик қатор имкониятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади [Бенвенист Э.: 129-130].

Э.Бенвенист, асосан, фонематик, сўз ҳамда гап сатҳлари ҳақида мулоҳаза билдиради. Олим морфемаларни сатҳ сифатида тилга олган бўлса-да, уларни алоҳида талқин этмаган: «Если фонема определима, то только как составная часть единицы более высокого уровня – морфемы» [Бенвенист Э.:132].

Э.Бенвенист тил сатҳлари хусусида сўз юритганида тил бирликларининг дистрибутив ва интегратив муносабатлари устувор аҳамият касб этишини таъкидлайди. Бу терминларнинг биринчиси тил унсурларининг муайян сатҳ ичидаги муносабатларини, иккинчиси эса сатҳлараро муносабатларни талқин этишда қўлланади [Бенвенист Э.:134]. Э.Бенвенист тил сатҳлари ҳар бирининг мукамал тавсифини бермаган бўлса-да, сатҳлар лингвистик талқини билан бевосита боғлиқ бўлган методлар ҳақида илмий асосли маълумотлар келтиради. Ана шу боис унинг бу соҳадаги мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Тил сатҳлари муаммоси талқини Б.Н.Головин тадқиқотида анча мукамал берилганини кўрамиз. Бунда тил сатҳлари қуйидагича белгиланади: 1. Фонемалар автоном механизми. 2. Морфемалар автоном механизми. 3. Сўзлар автоном механизми. 4. Сўз ясалиши автоном механизми. 5. Морфологик категориялар автоном механизми. 6. Синтактик категориялар автоном механизми [Головин Б.Н.:147].

Б.Н.Головиннинг таъкидлашича, тил сатҳларини белгилашда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш лозим: 1. Ҳар бир сатҳ бирликларининг муайян бир турга (жинсга) тегишли бўлмоғи. 2. Кичик сатҳ бирлиги катта сатҳ бирлиги таркибига кириши. 3. Ҳар бир сатҳ бирлиги ундан катта сатҳ бирлигининг сегментланиши маҳсули бўлмоғи. 4. Ҳар бир сатҳ бирлиги тил белгиси мақомида бўлмоғи [Головин Б.Н.:146].

Агар мазкур тамойилларга изчил амал қилинадиган бўлса, фонемалар, морфемалар, сўзлар, ясама сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларнинг ҳар бири мустақил сатҳларни ташкил этади. Бироқ бундай вазиятда морфологик (сўз туркумлари) ҳамда сўз ясалиши муаммолари тил сатҳлари жумласига кирмай қолади. Шунинг учун муаллиф эслатиб ўтилган тамойилларни автоном механизм тушунчаси билан боғлашга ҳамда баъзи ўзгартишлар киритишга эътибор қаратади: а) муайян автоном механизм бирликлари бошқа бир автоном механизмнинг бирликлари жумласига қира олиши, ёки мазкур механизм таркибида унинг бирликлари тизимини ҳосил қилишда қатнашиши, ёки уларни интеграция (бирлаштириш) қилиш; б) ҳар қандай автоном механизм бирликлари бошқа бир мураккаброқ механизм бирликларида ёки нутқ таркибида жузъий ўзгаришлар билан акс этиши; в) ҳар бир автоном механизм бирлигининг ички яхлитликка, бутунликка эга бўлиши; г) ҳар бир автоном механизм бирлигининг тил белгисини ёхуд белгилар интеграциясини ташкил этиши [Головин Б.Н.:146].

Морфологик категорияларнинг автоном механизм саналиши эса уларнинг синтактик категорияларнинг вокеланиши, сўзлар ҳамда сўз шакллари ўртасидаги

муносабатларнинг гапда жузъий ўзгаришлар билан акс этиши, ички яхлитликка эга эканлиги, тил белгиларининг интеграциясини тақозо этиши каби сифатлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди [Головин Б.Н.:147].

Таниқли тилшунос Е.А.Земская сўз ясалишини алоҳида сатҳ тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди [Земская Е.А.:198]. Тўғри, сўз ясалишида ҳам, морфологик категорияларда ҳам Б.Н.Головин санаб ўтган ўзига хос сифатлар мавжуд. Бироқ бундай сифатларнинг барчаси сўз номи билан аталувчи тил сатҳида ҳам кузатилади. Бу ҳақда ишимизнинг олдинги саҳифаларида В.И.Кодуховнинг тил сатҳлари ҳақидаги мулоҳазаларига муносабат билдирилганда ҳам ўз нуктаи назаримизни баён этган эдик.

Гап эса, В.М.Солнцев қайд этганидек, нутқ бирлигидир. Шу боис гап ҳақидаги барча мулоҳазалар нутқ лингвистикаси қонун-қоидалари асосида талқин этилиши лозим, деб ўйлаймиз. Шунинг учун гапни тил сатҳи (уровень языка) тарзида талқин этиш талай чалкашликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Фикримизча, гап ва тил сатҳлари ҳақида айтилган В.М.Солнцевнинг қуйидаги мулоҳазалари ибратлидир: «Тилнинг функционал фаоллик кўрсатиши жараёнида бир пайтнинг ўзида барча сатҳлар, аниқроғи, барча сатҳлар бирликлари ҳаракатга келади. Чунки мазкур бирликлар (коммуникатив) нутқ бирлиги – гапнинг поғонали муносабат доирасида ўзаро алоқага киришган таркибий қисмлари саналади» [Солнцев В.М.: 84].

В.М.Солнцев тил сатҳи деганда, ўзаро иерархик муносабатда бўлмаган, бироқ бошқа сатҳга тегишли бўлган бирликлар билан поғонали муносабат ташкил этувчи бир турга (жинсга) қирувчи бирликлар мажмуасини тушунади [Солнцев В.М.: 81].

Ш.Раҳматуллаев тил бирликлари жумласига қуйидагиларни киритади: 1.Тил товушлари. 2. Лексема. 3. Морфема. 4. Лексемашакл. 5. Бирикма. 6. Гапшакл. 7. Фразема. Ш.Раҳматуллаев мазкур тил бирликларидан энг асосийлари лексема ва морфема эканлигини таъкидлайди. Бунинг асосий сабаби уларнинг ифода ва мазмун жиҳатлари мавжудлигидадир. Бундан ташқари, лексеманинг, морфеманинг тил бирлиги сифатида икки ҳолати-лисоний бирлик ва нуткий бирлик ҳолати фарқланиши ҳам эслатилади. Ш.Раҳматуллаев тил ва нутқ бирликларининг барчасини ўзига хос тарзда тавсифлайди. Бу ўринда олимнинг кўпгина фикрларига қўшиламыз [Раҳматуллаев Ш.: 2006]. Аммо айти пайтда баъзи мулоҳазалар, назаримизда, изоҳталабдек кўринади. Биринчидан, тилнинг энг кичик бирлиги сифатида жаҳон тилшунослигида тўлиқ тан олинган фонема тушунчасининг товуш тушунчаси билан алмаштирилиши, бизнингча, мунозаралидир. Иккинчидан, лексемашакл тушунчаси анча ғализ кўринади. Агар мазкур тушунча умумий тилшунослик доирасида ҳам шундай қўлланилганда эди, унинг йўриғи бошқа бўларди. Ваҳоланки, умумий тилшуносликда сўзшакл тушунчаси (словоформа) ишлатилиб келинмоқда. Аммо олимнинг нутқ товушлари билан лексема ва морфема ўртасида поғонали муносабат йўқлиги ҳақидаги фикри мутлақо тўғри. Чунки поғонали муносабат товуш билан тил бирликлари (ёки нутқ бирликлари) ўртасида эмас, балки фонема билан морфема, морфема билан сўз ўртасида рўй беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Rahmatullayev Sh. *Hozirgi adabiy o'zbek tili*. –Toshkent, 2006.
- [2]. Бенвенист Э. *Общая лингвистика*. –М., 1974.
- [3]. Булыгина Т.В., Климов Г.А. *Уровни языковой структуры // Общее языкознание. Внутренняя структура языка*. –М., 1972.–С.92-109.
- [4]. Головин Б.Н. *Механизмы, или уровни, языка // Общее языкознание*. – М.,1979.
- [5]. Земская Е.А. *Язык как деятельность. Морфема. Слово. Речь*. – М., 2004.
- [6]. Кодухов В.И. *Общее языкознание*. –М., 1974.
- [7]. Солнцев В.М. *Язык как системно-структурное образование*. –М., 1971.